

Аукциондаги ҳолат: Фуқаро Ғолибми ёки мағлуб?



4-бет

Огоҳлантиришсиз ишдан ҳайдалган ходим ўз вазифасига қайтди



4-бет

Уч йилга берилган ишончноманинг амал қилиш мuddати қачон тугайди?



6-бет

Жиноят нега жазосиз қолди?



7-бет



ИНСОН ҚОНУН ва

7 июль 2020 йил / № 23 (1227)

www.hudud24.uz

insonvaqonun@adliya.uz

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

MADAD
Huquqiy maslahat byurosi

Ҳуқуқий мадад
ҳаммага,
ҳар доим,
ҳамма жойда!

2 БЕТ

ЎЗИНГИЗНИ ЭҲТИЁТ ҚИЛИНГ!

КАРАНТИН ТАРТИБЛАРИ КУЧАЙТИРИЛАДИ

@huquqiyaxborot Республика махсус комиссияси ахбороти



1 ИЮЛДАН БОШЛАБ

БАРЧА ҲУДУДЛАРДА

ҲАФТАНИНГ ШАНБА ВА ЯҚШАНБА КУНЛАРИ

йирик буюм бозорлари ҳамда буюм савдоси билан шуғулланадиган йирик савдо мажмуалари санитария-дезинфекция ишларини амалга ошириш учун ёпилади

"ҚИЗИЛ" ВА "САРИК" ҲУДУДЛАРДА

07:00 дан 23:00 га қадар

жамоат жойларида уч кишидан ортик туپланиш тақиқланади

23:00 дан 07:00 га қадар

кўчаларда, кўп қаватли уйлар ва ҳовлилар олдида бўлиш тақиқланади

Ҳафтанинг шанба ва яқшанба кунларида

жамоат транспорти ҳаракати камайтирилади

Коронавирус инфекциясини юқтирган беморлар уч тоифага ажратилади

5 ИЮЛДАН БОШЛАБ

Коронавирус инфекциясини юқтирган беморларни даволаш бўйича ЯНГИЧА ТАРТИБ жорий этилади

1 коронавирус инфекциясининг **енгил шакллари** аниқланган (касаллик аломатларсиз ўтаётган) беморлар

2 коронавирус инфекцияси **ўртача оғир кечаётган** (тана ҳарорати кўтарилаётган) беморлар

3 коронавирус инфекцияси **оғир кечаётган** беморлар



коронавирус антитаначаларига **Иммунофермент текширишларига (ИФА) хусусий соғлиқни сақлаш секторидаги** тиббиёт муассасалари жалб этилиши мумкин

бирламчи скрининг тест таҳлиллари мусбат натижа берган намуналарни тасдиқлаш таҳлилларини ўтказиш ваколати Бош санитар шифокор курсатмаларидан келиб чиқиб **ҳудудий санитария-эпидемиологик осойишталик марказларига** берилади.

Жамшид ҒАФУРОВ тайёрлади.

3 БЕТ

hudud24

Endi 24 soat siz bilan!


- ✓ Энг сўнгги хабарлар
- ✓ Ҳуқуқий маълумотлар
- ✓ Таҳлилий мақолалар
- ✓ Мурожаатга жавоблар

буларнинг барчасини ўзингиз кутган сайтда кузатинг

@hudud24official



Жамоатчилик назорати Буни қандай тушунамиз?



ЎЗБЕКИСТОН Республикасининг 2018 йил 12 апрелда қабул қилинган "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги Қонуни жамоатчилик назорати субъектлари сифатида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоатчилик кенгашлари, комиссиялари ва бошқа жамоатчилик ташкилий тузилмалари, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатга олинган нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситаларини белгилайди.

Ушбу субъектлар давлат органларига мурожаатлар ва сўровлар; давлат органларининг очиқ ҳайъат мажлисларида иштирок этиш; жамоатчилик муҳокамаси; жамоатчилик эшитиши; жамоатчилик мониторинги; жамоатчилик экспертизаси; жамоатчилик фикрини ўрганиш; фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан давлат органлари мансабдор шахсларининг ҳисоботлари ва ахборотини эшитиш каби жамоатчилик назоратининг шаклларини амалга оширишлари мумкинлиги белгиланган.

8 БЕТ

Биз биргамиз!





Биз Сиздан пул сўрамаймиз! Беминнат ёрдам берамиз. БИЗ ҲАММА ЖОЙДА БОРМИЗ!

Ўриндош бўлиб ишловчи ходимга таътил бериладими?

— **ЎРИНДОШ бўлиб ишловчи ходимга олти ой ишламаган бўлса таътил берилиши мумкинми?**

— Меҳнат кодексининг 160-моддасига мувофиқ, ўриндошлик — ходим ўзининг асосий ишини бажаришидан ташқари, асосий ишидан бўш вақтида меҳнат шартномаси асосида бошқа ҳақ тўланадиган ишни бажаришидир.

Ходим ўзининг асосий иш жойида (ички ўриндошлик), бошқа иш берувчиларда (ташки ўриндошлик) бўйича ишлаш тўғрисида меҳнат шартномасини тузиш ҳуқуқига эга. Ўриндошлик асосида ишлаётган ходимга иш берувчи унинг хоҳишига кўра асосий иш жойидан таътил билан бир вақтда, ўриндошлик асосида ишлаган вақтига мутаносиб равишда йиллик ҳақ тўланадиган таътил беришга мажбур. Ушбу мажбурият ходим ўриндошлик бўйича 6 ой ишламаган тақдирда ҳам амал қилади.

Эгизак фарзандли ходимнинг қандай имтиёзлари бор?

— **ЭГИЗАК фарзандли аёл ходимларга туғуруқ таътилидан сўнг қандай тўлов маъжуд?**



— Меҳнат кодексининг 233-моддасига мувофиқ, аёлларга туғуруққа қадар етмиш календарь кун ва туғқандан кейин эллик олти календарь кун (туғиш қийин кечган, икки ёки ундан ортиқ бола туғилган ҳолларда — етмиш календарь кун) мuddати билан ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари берилиб, давлат ижтимоий сугуртаси бўйича нафақа тўланади.

Ҳомиладорлик ва туғиш таътили жамланган ҳолда ҳисоблаб чиқилиб, туғишга қадар амалда бундай таътилнинг неча кунидан фойдаланганидан қатъи назар аёлга тўлиқ берилади.

Демак, ушбу Кодексга асосан эгизак фарзандли аёллар учун туғқандан кейинги таътилига яна ўн тўрт календарь куни мuddати қўшиб берилади ва давлат ижтимоий сугуртаси бўйича шу мuddатга қўшимча нафақа тўлаб берилади.

Касалим жиддий, нафақага мuddатидан олдин чиқишим мумкинми?

— **ҚАНД** касаллигим бор. Менга нафақага чиқишда имтиёз борми?

— Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 1 июлдаги "Тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари томонидан фуқароларни тиббий кўриқдан ўтказиш тартибини янада такомиллаштиришга, ногиронликни ва касбий меҳнатга лаёқат йўқотилиши даражасини аниқлашга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида"ги қарорининг 4-бўлимида ногиронликни белгилаш ҳаёт фаолиятининг чекланганлиги даражасига қараб тиббий кўриқдан ўтказилувчига, асосий касаллиқнинг клиник ўтишини, унинг асоратларини ва клиник-эксперт прогнозини, шунингдек, фуқаронинг меҳнат фаолияти турини ҳисобга олган ҳолда, ногиронликнинг биринчи, иккинчи ёки учинчи гуруҳи белгиланиши мумкин. Бунга ногиронликни белгилаш мезонлари рўйхати асос қилиб олинади. Рўйхатга асосан умумий касаллик тури бўйича яшаш жойидаги ТМЭК ёки ДПМнинг йўланмаси билан ҳужжатлар ТМЭКда қабул қилинган кундан бошлаб икки ҳафта мuddатда тиббий кўриқ ўтказилади. Ногиронлик белгиланган тақдирда, ҳужжатлар қабул қилинган сана ногиронликнинг бошланиши ҳисобланади.

Меҳнат таътилига чиқмасдан ишладим, компенсация олсам бўладими?

— **МЕН** корхонада бир йилдан ортиқ ишладим. Лекин меҳнат таътилига чиқмадим. Бу ҳолатда меҳнат таътилига чиқмаганим учун компенсация олсам бўладими?



— Меҳнат кодексининг 151-моддасига кўра, меҳнат шартномаси бекор қилинганда ходимга фойдаланилмаган барча йиллик асосий ва қўшимча таътиллар учун пуллик компенсация тўланади. Ходимларга иш даврида, уларнинг хоҳишига кўра таътилнинг энг оз мuddатидан (15 иш кунидан) ортиқча қисми учун пуллик компенсация тўланиши мумкин.

Ижтимоий таътилларнинг барча турларидан, шунингдек, қўшимча таътиллардан асл ҳолида фойдаланилади ва уларни пуллик компенсация билан алмаштиришга йўл қўйилмайди.

Уйимни сотиш нахот ўз ихтиёримда бўлмаса...

— **УЙ-жойни хотин (эр)нинг розилигисиз сотиш мумкинми?**

— Адлия вазирининг "Нотаруслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида"ги 2019 йил 4 январдаги 3113-сонли буйруғига асосан, эр (хотин)нинг умумий биргаликдаги мулки бўлган кўчмас мулк ва автомобилотранспорт воситасини бошқа шахсга ўтказиш бўйича битим тузиш учун хотиннинг (эрнинг) нотариус, Қонуннинг 26-моддасида санаб ўтилган мансабдор шахслар ёки Ўзбекистон Республикаси консуллик муассасаларининг консуллари томонидан шаҳодатланганлиги ёзма розилиги олинмиши лозим.

Кўчмас мулк ва автомобилотранспорт воситасини бошқа шахсга ўтказётган фуқаро эри ёки хотини йўқлиги (бева эканлиги ёки буйдоқ) ҳақида ёзма ариза тақдим этганда, нотариус битимнинг иккинчи тарафини ариза билан таништиради ва ҳуқуқий оқибатини тушунтиради. Иккинчи тараф аризага фамилияси, исми, отасининг исмини тўлиқ ёзиб, имзо қўяди. Ушбу ҳолатни аниқлашда нотариусга тегишли равишда қўйидаги ҳужжатлар асос бўлади: фуқаронинг паспорти, никоҳдан ажралганлик ҳақидаги гувоҳнома ёки ўлим ҳақидаги гувоҳнома ва никоҳ тузилганлиги ҳақидаги гувоҳнома ёхуд далолатнома ёзувларидан кўчирмалар. Ушбу ариза кўчмас мулк ва автомобилотранспорт воситасини бошқа шахсга ўтказётган фуқаронинг шахсан ўзи томонидан берилади, битим вакил орқали тузилган тақдирда эса у томонидан ишончнома берувчининг эри ёки хотини йўқлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилган ҳолда вакилдан бундай ариза олинади.

Укам яшайётган ҳовлида менинг ҳам улушим борми?

— **ОТА-онамиз вафот этган. Тўрт нафар фарзандим. Кичик укам отам ҳовлисида яшайди. Отамдан қолган уй-жойда менинг ҳам улушим борми?**

— Фуқаролик кодексига кўра, ворислик ҳуқуқи белгилаб қўйилган бўлиб, унга кўра, қонун бўйича биринчи навбатдаги ворислар — мерос қолдирувчининг болалари (шу жумладан, фарзандликка олинган болалари), эри (хотини) ва ота-онаси (фарзандликка олувчилар) тенг улушларда, биринчи навбатдаги ворислик ҳуқуқига эга бўладилар. Мерос қолдирувчининг вафотидан кейин туғилган болалари ҳам биринчи навбатдаги ворислар жумласига кирадилар.

Тахминий эҳтимолларга кўра, яқин ўтмишда инсоният биринчи марта дунё миқёсида глобаллашган офатга дуч келмоқда. Биринчи марта бутун дунёнинг эътибори бир нарсага қаратиляпти. Бир мавзу дунё ахборот оқимини етаклаб кетаяпти.

УНУТИЛАЁТГАН ЧЕКЛОВЛАР:

Вирус билан яшашни ўрганамизми?

ИНСОНИЯТ бугуни ва яқин келажаги учун бошқатдан режалар тузиши керакдек туюлмоқда. Одатий чегаралар: нима мумкин, нима мумкин эмаслиги ҳақида. Сайр қилиш, саёҳат қилиш, хизмат сафарига чиқиш, меҳмонга бориш, байрам уюштириш — буларнинг бари учун энди бошқачароқ тартиблар зарур. Худди шунингдек, бутун дунё миқёсида халқаро муносабатлар, халқаро авиарейслар, иқтисодий, сиёсий ва бошқа муносабатлар учун ҳам янги нормалар вужудга кела бошлайди.

1 Коронавирус ўзи борми? Бўлса ниқоб тақайлик, бўлмаса йўқ!

Бугун эса коронавирუსга бўлган қўрқув анчайин йўқолгандек. Мамлакатимизда касаллик аниқланаётганлар сони ҳар кун 200 ва 300 нафардан ошаётган бўлса ҳам (карантиннинг дастлабки кунларида 100 нафардан ошмаганди), ўлим сони нисбатан ортган бўлса ҳам, аҳоли орасидан касаллик аниқланаётган бўлса ҳам. Хотиржамликка берилганимиз бир тарафдан беҳуда ваҳималарга берилмаслик, ишимизда, йўлимизда, турмуш тарзимизда давом этиш учун яхшидек. Бошқа томондан эса яна аввалгидек одатий йўлда давом этишимиз тўғрими? "Коронавирус борми ўзи? Бирорта танишимизда аниқланганини эшитмадик-ку? Бу бутун дунёда олиб борилаётган қандайдир ўйин бўлса керак. Пневмония ташхиси билан касалхонага ётқирилаётган беморлар ўйлаб топилган вирус қўлида қурол бўляпти..." Шун-

Тахминий эҳтимолларга кўра, яқин ўтмишда инсоният биринчи марта дунё миқёсида глобаллашган офатга дуч келмоқда. Биринчи марта бутун дунёнинг эътибори бир нарсага қаратиляпти. Бир мавзу дунё ахборот оқимини етаклаб кетаяпти.

Ҳозирда дунёнинг 188 давлатида коронавирус бор. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотида кўра, бугунгача бутун дунё бўйлаб 11,5 миллиондан ортиқ одамлар коронавирус билан зарарланди. 530 мингдан кўпроқ аҳоли шу касаллик сабаб вафот этди. Касалликдан соғайганлар 6,5 миллиондан ортиқроқ эканлиги бироз таскин берса-да, жаҳон узра ўлатдек тарқалган вирус ҳар бир босилган қадам тирлик ё ҳаёт масаласини ҳал этиши мумкинлигини кўрсатмоқда.

Бундан чамаси 5-6 ойлар аввал — Covid-19 инфекциясининг тарқалиши дунё давлатларида ҳамма-мизни кўримас бир қўрқув исканжага олганди. Вирус мамлакатлар бўйлаб шиддат билан тарқала бошлади. Ҳаммамизнинг кўнглимиздан "бизга етиб келмасин!", деган ўтинчли ўй ўтди. Вақт ўтиб, Ўзбекистонда ҳам коронавирус аниқланди. Ваҳималарни борича, карантинни эса ўз ҳолимизча бошдан кечирдик...



дай ўйлаёмиз. Истар-истамай шу фикрга ҳам бориб кўраёмиз. Аммо бу муҳкам тушунчага таяниш учун аниқ фактлар йўқ. Дунёда миллионлаб одамларнинг шу касаллик туфайли азият чекаётгани, қирилиб кетаятгани, ён қўшниларимизда вазият кескинлашяётгани эса — факт. Қозғистонда охириги 10 кунда кунига ўртача 1500 кишида инфекция аниқланаяпти. Шу кунга қадар 188 киши вафот этди. Кичкина бир тумanning ўзида 30-37 нафаргача ўлим ҳолати кузатилди. Қирғизистонда 5 июль ҳолатига касалланмиш 7400 тага етди, вафот этганлар сони 88 нафар.

Яна шу ҳам факт — дунёда, Қозғистонда, Ўзбекистонда бўлсин, бу рақамлар ҳозирча камаймайди, тўхтаб қолмайди, ортишда давом этаверади. Шунга тайёриямизми? Тиббиёт муассасалари ўз иштини амаллайти ҳарҳолда, инфекция юқтирганларнинг катта қисми касалхоналардан соғайиб чиқаяпти. Энди эса касаллик юқтирганларнинг ҳаммасига давлат тиббиёт муассасалари масъул эмас. Коронавируснинг енгил формасидагилар уйда ўзлари даволаниши керак. Тиббий маданиятимиз етарлича бўлмаган шaroитда бу одамни хавотирга солади. Қўшнилариимизда касалхоналарда жой муаммоси, тез тиббий ёрдам хизматининг улгурмаслик ҳолатлари ва тиббиёт ходимларининг етишмаслиги кузатиляпти. Бу бизда бўлмаслигига эса ишонч йўқ.

Шундай шaroитда никобларни энгагимизга тушириб, баъзан тақиб, баъзан тақмай, сайрга ё чиқинди тўкишга чиққанда унутиб, ўзимиз ниқоб билан боламиз ниқобсиз юрибмиз.

2 Қерда карантин кучайтирилмаган бўлса, ўша жойда коронавирүс кўпайди

Дунё бўйлаб инфекция тарқалишининг дастлабки босқичларида Европа давлатлари ва Америкада карантин етарлича тан олинмади. Ҳукуматнинг эътибори кучайган пайтда ҳам аҳоли карантин қоидаларига бўйсунмади. Бунини демократияга ҳаф тугдириш эҳтимоли бўлгани ҳолда маълум тартиб-қоидаларга бўйсунмаслиқнинг ўзи ҳам демократия тушунчаларига зиддир. Оқибатда, Европада ва Америкада коронавирүс жабрдийдаларининг сони қанчалик ошиб кетганлиги ҳаммамизга маълум. Сўнги маълумотларга кўра, АҚШда 2 миллион 800 дан ортиқ аҳоли вакиллари коронавирүс билан зарарланган. Қозғистонда 5 июлдангана 14 кунлик карантин чеклов

чоралари жорий этилди. Бунгача оммавий тадбирлар, одамларнинг 3 кишидан ортиқ тўпланиши борасида, гўзаллик салонлари, ёпиқ бозорлар, диний муассасалар, мактабгача таълим муассасалари, савдо марказлари фалиятини кучайтирилган чеклов йўқ эди. Бугунга келиб Европада касаллик камайганига қарамай ниқоб тақмаганларга ва масофа сақлаб, санитария қоидаларига риоя этмаганларга катта миқдорда жарима қўлланиляпти. Берлинда 1,5 метргача минимал масофани бузганлик учун 500 еврогача жарима солиниши мумкин, бизнесда санитария меъёрларига риоя қилмаганлик учун 10 минг еврогача жарима тортилади. Бранденбург штатида оммавий тадбирларга қўйилган тақиққа риоя қилмаган ҳар бир иштирокчига 500 еврогача, ташкилотчи эса 2500 еврогача жаримага тортилади. Францияда ниқоб тақмаган қоидабузарларга 135 евро жарима солинади. Инфекция аниқланиши камайса-да, чекловларнинг сақланиб қолгани санитария қоидаларига амал қилиш кўпгина шахарларда ижобий самара берганлигидадир.

3 Пандемия қачон тугайди?

Бу инфекциянинг қачондир ҳаётимиздан умуман йўқ бўлиб кетиши билан боғлиқ аниқ фраза йўқ. Шу пайтгача ҳеч қандай прогнозлар коронавирүс бизни буткул тарк этиши мумкин бўлган даврни аниқлаб беролмади. Россиялик вирусолог олим, тиббиёт фанлари доктори Анатолий Альтштейн бу давр бир йилдан уч йилгача ёки ундан ҳам кўпроққа чўзилмиши мумкинлигини тахмин қилди. Америкалик машҳур доктор Меҳмет Уз эса коронавирүсдан қоча олмаслигимизни пандемия бошлиниш давридаёқ айтган эди. Яқинда ҳам унинг facebook ижтимоий тармоғидаги саҳифасида айнан грип вирусини билан бўлгани каби, келгуси йилларда бу вирус билан яшашни ўрганишимиз ҳақида ёзди. Бора-бора вирус мутацияга учраши ва зарарлаган одамни ўлимга олиб бормаслиги ҳақида билдирилган илмий фикрларни ўқидик. Аммо вируснинг мутацияга киришадиган давригача ҳам ҳали вақт бор. Биздан биргина сўралаётгани эса ўзимизни асраш. Олимлар айтганидек, имкон қадар вирусни кероқ юқтиришга ҳаракат қилиш керак. Шунда ҳеч бўлмаганда унинг зарарли даврдан ўтиб, мутация даврига йўлиқамиз.

Карантин, жарималар, жиноий жавобгарлик... ҳатто булар ҳам қўриқта олмайди қоидабузарлар учун эса алоҳида тартиб ўйлаб топилган тўғри келар, балки. Маънавияти, дунёқарashi, ҳиссиётига таъсир қиладиган даражада.

УЧ ОЙ АВВАЛ

ЮРТИМИЗГА коронавирүс балоси кириб келди. Биз нима қилдик:

- зарур ишимиз бўлмаса остона хатлаб кўчага чиқмадик;
- юзимизга ниқоб тортидик;
- қўлларимизни қўлқопга солдик;
- антисептик воситалар билан қуролландик;
- қўлларимизни совунлаб, геллаб тез-тез ювишни канда

- қилмадик;
- доим бир овғимиз ўша жойда бўладиган чойхона, кафе-бар, ресторан, тунел клубларга боришдан тийилдик;
- фарзандларимиз ҳар қанча хархаша қилмасин, уларни кўнгилочар масканларга олиб бормадик, боғларда сайр

- қилдирмадик;
- тўй маросимларини орқага сурдик;
- қўл бериб ёки оғиз-бурун ўпишиб ҳол-аҳвол сўрашадиган одаларимиздан воз кечдик;
- қариндош-уруғ, ёру биродарларниқоша меҳмондорчиликка боришдан бош тортидик.

Натижада нима бўлди? Вирүснинг кенг урчишига имкон бўлмади, унга чалиниш рақамлари деярли тўхтаб қолган эди.

БУГУН

Бугун бизни бу бало унчалик ҳам хавотирга солмай қўйгандек кўринаяпти. Чунки:

- ишимиз бўлса-бўлмаса кўчадамиз;
- ниқобни номига бўйнимизга осиб қўйдик;
- қўлларимиздаги қўлқопларни алпақчон улоқтириб юбордик;
- антисептик воситалардан фойдаланишга нўқта қўйдик;
- қўлларимизни тез-тез ювиб туришни унутдик;
- чойхона, кафе-барларга бора-

- ямиз. Одам кўп бўлишига қарамай хўрандалар билан елка теккизиб бўлса ҳам ўтириб бўшаб қолган қорнимизни овқат билан тўлдираямиз;
- фарзандларимиз ҳам кўнгилочар масканлардан, ўйингоҳлардан бери келая демайдик;
- тўйларни ҳам ўйлини қилиб юз кишлаб, керак бўлса,

- ундан ҳам ортиқ қилиб ўтказишни бошладик;
- эски одаларимизни кўмсаб қолган эканнимизни, таниш-билишларни бағримизга босиб "меҳр" билан қўришяёмиз;
- меҳмондорчиликни ҳам қанда қилмаямиз. Ҳар кунни бўлмаса-да, кунора битта танишимизникида зивфатдамиз;

Оқибати нима бўлмоқда? 2020 йил 6 июль соат 17:00 ҳолатига кўра, Ўзбекистонда коронавирүс инфекцияси қайд этилганлар сони 10284 (+141) нафарни ташкил этмоқда. Айни пайтда юртимизда 6584 нафар коронавирүс инфекциясига чалинган фуқаролар (64 фоиз) соғайган. Ҳозирда мамлакатимизда 3664 нафар беморга шифокорларимиз томонидан белгиланган стандартлар бўйича даво чоралари қўрилмоқда. Хулоса ўзингиздан.

Ёрбек ИСКАНДАРОВ, "Инсон ва қонун" муҳбири

Мадҳия АБАЗОВА, "Инсон ва қонун" муҳбири

“

ХАР бир адлия ходими иш фаолиятида “фуқаролар адлия идоралари фаолиятдан рози бўлиши керак”, деган тамойилга қатъий ва оғишмай амал қилиши, адлия органлари ва муассасалари ходимлари камтар бўлиб, халқимиз олдида қўли кўксидан бўлиб хизмат қилиши лозим.

Худудий адлия органлари раҳбарлари “туман-шаҳар адлия бўлимлари бизнинг юзимиз” тамойилига қатъий риоя этиши ва уни амалда рўёбга чиқариш чораларини кўриши лозим.

АДЛИЯ БЎЛИМЛАРИ СИЗНИНГ ТАЯНЧИНГИЗ

ОГОХЛАНТИРИШСИЗ ИШДАН ҲАЙДАЛГАН ХОДИМ ЎЗ ВАЗИФАСИГА ҚАЙТДИ



ОХАНГАРОН туман Чинор қишлоғида яшовчи фуқаро Қ.М. Тошкент вилоят Сув омборларидан фойдаланиш бошқармаси билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинганлигидан норози бўлиб адлия бўлимига мурожаат қилди.

Ўрганиш жараёнида Қ.М.га Тошкент вилоят Сув омборларидан фойдаланиш бошқармасида штат бирликлари қисқарганлиги муносабати билан меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида огоҳлантириш хати берилмасдан, огоҳлантириш муддатига мувофиқ пуллик компенсация тўланиб, бекор қилинганлиги маълум бўлди.

Меҳнат кодексининг 102-моддаси, 2-қисмида ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан огоҳлантириш унинг муддатига мувофиқ пуллик компенсация билан алмаштирилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Аниқланишича, Тошкент вилоят Сув омборларидан фойдаланиш бошқармаси томонидан Меҳнат кодексининг 102-моддаси, 2-қисмида белгиланган талабларга риоя қилинмаган, яъни иш берувчи билан фуқаро ўртасида ҳеч қандай келишув бўлмаганда, унга огоҳлантириш хати ўрнига компенсация тўланган. Бундан ташқари, Қ.М.ни ишда қолдириш учун бериладиган имтиёзли ҳуқуқ қўлланилмаган ҳамда меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги буйруқ нусхаси ходимга тақдим этилмаган. Шу сабабли, туман адлия бўлими томонидан Тошкент вилояти Сув омборларидан фойдаланиш бошқармасига ишдан бўшатиш тўғрисидаги буйруқни бекор қилиш юзасидан тақдимнома киритилди. Ҳозирда Қ.М. ўз ишига тикланди.

Жаҳонгир АЛИЕВ,
Ўрта Чирчиқ туман адлия бўлими бошлиғи

Ишсиз қолган ҳамширалардан ортиқча тўланган иш ҳақи талаб қилинди

АСАКА туман Тез тиббий ёрдам бўлими кичик тиббий ходимларига 2020 йил март ойида штат қисқариши муносабати билан меҳнат шартномаси икки ойдан сўнг бекор қилиниши ҳақида тиббиёт бирлашмаси томонидан огоҳлантириш хати берилган. Асака туман адлия бўлимига тиббиёт ходимлари ҳозирда

бошқа ташкилотлардан иш тополмаётганликларини айтишган.

Маълум бўлишича, тиббиёт бирлашмаси томонидан жами 75 нафар кичик тиббий ходимга меҳнат шартномаси икки ойдан сўнг бекор қилиниши тўғрисида огоҳлантириш хати берилган. 2018 йил май ойидан буён уларга ортиқча иш ҳақи берилганлиги рўқач қилиниб, келгусида ушбу ортиқча тўланган иш ҳақини қайтариш лозимли-

ги ўқтириб келинган.


Мазкур ўрганиш давомида Тез тиббий ёрдам муассасаларида штатлар меъёрлари 2018 йил 11 май кунини тасдиқланган бўлса-да, туман тиббиёт бирлашмаси 2020 йил март ойига қадар мазкур тасдиқланган штатлар меъёрларига амал қилмаганлиги сабабли жами 319.833.322 сўм миқдоридан иш ҳақи давлат бюджети-дан ортиқча тўланганлиги аниқланди.

Адлия бўлими юқоридаги

ҳолатлар юзасидан туман тиббиёт бирлашмасига тақдимнома киритди. Ҳозирда туман тиббиёт бирлашмаси ва молия бўлими ходимларининг мазкур хатти-ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо бериш учун тўланган ҳужжатлар туман прокуратурасига юборилган.

Илҳомжон АҲМЕДОВ,
Асака туман адлия бўлими бошлиғи

МАРҲАМАТДА ХОДИМЛАРНИНГ 91 МИЛЛИОН СЎМДАН ОРТИҚ ИШ ҲАҚИ ТЎЛАНМАГАНЛИГИ АНИҚЛАНДИ



МАРҲАМАТ туман адлия бўлими томонидан идораларда меҳнат муносабатларига амал қилинаётгани юзасидан ижтимоий тармоқлар орқали сўров ўтказилди.

Марҳамат тумани “Уқчи” ПТЗ меҳнат жамоаси бир неча ойдан буён иш ҳақи ололмаётганлигини баён қилиб, амалий ёрдам сўради.

Аниқланишича, ҳақиқатан ҳам 16 нафар ишчи-ходимнинг жами 91.985.535 сўм иш ҳақи тўланмаган, иш берувчи томонидан Меҳнат кодексининг 154, 161-моддаси, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 мартдаги 88-сонли Қарори талаблари бузилган.

Ишчи-ходимлар манфаатини кўзлаб, Фуқаролик-процессуал кодексининг 4-моддаси ва 170-моддаси билан ишдан бўшатиш компенсация пули ва қолиб кетган иш ҳақларини ундириш юзасидан Асака туманлараро судига Х-SUD ҳимояланган электрон тизими орқали даъво аризалари киритилди ва ходимларга 91.985.535 сўм иш ҳақи ундириб берилди.

Умидбек ҲАКИМОВ,
Андижон вилоят адлия бошқармаси масъул ходими

Аукциондаги ҳолат: Фуқаро ҲОЛИБМИ ёки МАҲЛУБ?

БУХОРО шаҳар, Мустақиллик кўчасида яшовчи фуқаро Ш.М. Адлия вазирлигига pm.gov.uz портали орқали мурожаат қилиб, E-IJRO AUKSION орқали 0.04 гектар ер майдони қолиби бўлгани, бу тўғрисидаги баённомани Бухоро шаҳар ҳокимлигига тақдим этгани, бироқ нимагадир ҳоким қарори чиқариб берилмаётганидан норози бўлиб, ушбу масалада амалий ёрдам сўраган.

Мазкур мурожаат Бухоро вилоят адлия бошқармаси томонидан ўрганилди. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 28 январдаги 63-сон қарори билан тасдиқланган “Якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкалари бериш ва ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини реализация қилиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосан мурожаат муаллифига нисбатан Бухоро шаҳар ҳокимлигининг “Аукцион қолибига ер участкаси ажратиш тўғрисида”ги қарори чиқариб берилди.

Бекзод НИШОНОВ,
Бухоро вилоят адлия бошқармаси бўлим бошлиғи

Ходимларини авансиз ишлатган 8 ТА ТАШКИЛОТ

ЮНУСОБОД туманидаги бир қанча давлат ташкилотларида меҳнат ҳуқуқларининг таъминланиши ҳолати ўрганилди.

Меҳнат кодексининг 161-моддасида меҳнатга ҳақ тўлаш муддатлари ҳар ярим ойда бир мартадан кам бўлиши мумкин эмаслиги белгиланган бўлса-да, “Дийдор” режиссёрлик ва актёрлик маҳорати театр-студияси, Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети, Зоология илмий институти, Санъатшунослик институти, ТАТУ ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тармоқ маркази, ТИҲХМ-МИ ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини

ошириш тармоқ маркази, Тошкент Ботаника боғи, Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш маркази ходимларига ҳар ойда бир мартадан иш ҳақи тўлаб келинган.

Юнусобод туман адлия бўлими қонунбузилиш ҳолати аниқлангани учун ушбу ташкилотларга тақдимнома киритди.

Шу билан бирга ҳозирда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 49-моддаси билан айбдор масъулларни маъмурий жавобгарликка тортиш чоралари кўрилмоқда.

Жўрабек МАХСУДОВ,
Юнусобод туман адлия бўлими бошлиғи

“

Бизнингча, республикамызда Фуқаролик кодексининг интеллектуал мулк ҳуқуқига оид нормалари ва интеллектуал мулк ҳуқуқи билан боғлиқ барча соҳавий қонунларни жамлаб, алоҳида янги кодексга киритиш вақти келди. Қонунлар сонининг кўплиги айрим нормаларнинг ҳар бир қонунда такрорланиши ёки умумий ҳавола йўсинидаги нормаларнинг юзага келишига олиб келади.

”



Бобоқул ТОШЕВ,
Юристар малакасини ошириш
маркази кафедра мудири,
юридик фанлар доктори

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК КОДЕКСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ВАҚТИ КЕЛДИ

**ПРЕЗИДЕНТИ-
МИЗНИНГ 2019
йил 5 апрелда
“Ўзбекистон**

Республикасининг фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармойиши қабул қилинган. Фармойиш билан Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш концепцияси ва фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш бўйича Идораларо комиссия ташкил этилган эди.

Комиссияга янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ва фуқаролик қонунчилигини такомиллаштиришга қаратилган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш, фуқаролик қонунчилигини янада такомиллаштиришнинг йўналишларини, шу жумладан, фуқаролик кодексининг янги тахрирдаги лойиҳасини кенг муҳокама қилиш вазифаси ҳам юклатилди. Шунга мувофиқ, бугунги кунга қадар комиссия томонидан талайгина ишлар амалга оширилди.

Амалдаги Фуқаролик кодекси 6 бўлим, 70 боб, 1199 моддадан иборат. Шунинг алоҳида таъкидлаш кераки, Фуқаролик кодекси ўтиш даврида, яъни бозор қонуниятларини жорий этиш шароитида ўзига юкланган катта вазифани адо этди, десак хато бўлмайди.

Фуқаролик кодексининг 4-бўлими бевосита интеллектуал мулкнинг ҳуқуқий муҳофазасига бағишланган. Таҳлиллар шунини кўрсатадики, интеллектуал мулк ҳуқуқига оид нормаларнинг унификация қилинган тизимини Фуқаролик кодексда кўришимиз мумкин. Кодексда биринчи

марта интеллектуал мулк, хусусан, саноат намуналари, товар белгилари, муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларга кенг ўрин ажратилди.

Бизнингча, республикамызда Фуқаролик кодексининг интеллектуал мулк ҳуқуқига оид нормалари ва интеллектуал мулк ҳуқуқи билан боғлиқ барча соҳавий қонунларни жамлаб, алоҳида янги кодексга киритиш вақти келди. Қонунлар сонининг кўплиги айрим нормаларнинг ҳар бир қонунда такрорланиши ёки умумий ҳавола йўсинидаги нормаларнинг юзага келишига олиб келади. Шунингдек, соҳага оид қонунлар илмий концепцияси ихчамлашиб, янги кодексда яхлит илмий, назарий жиҳатдан асосланган норма ва қондалар жамланиши мумкин. Энг асосийси, ҳуқуқни қўллаш амалиёти янада жадаллашиб, нормаларни шарҳлаш ва ҳужжатларда акс эттиришда имкониятлари янада кенгайди. Фуқаролик кодексда эса интеллектуал мулкка оид муносабатларни мувофиқлаштирувчи умумий нормалар бўлиши, асосий тамойил ва объектлар мақоми берувчи жиҳатлари белгиланса, етарли бўлади.

Умуман олганда, интеллектуал мулк объектлари таркибини кенгайтириш, объектларга алоҳида ҳуқуқий режим бериш, ҳуқуқ эгалари манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини соддалаштириш орқали бутун дунёда бугунги кунда соҳа қонунчилигида кодификация жараёни олиб борилаётгани кўзга ташланмоқда.

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛКНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ ДАВЛАТГА НИМА БЕРАДИ?

Президентимиз 2017 йил 10 сентябрь кун Испом ҳамкорлик ташкилотининг фан ва технологиялар бўйича Остона шаҳрида бўлиб ўтган биринчи саммитида сўзлаган нутқида куйидагиларни таъкидлаган эди: “Айни вақтда кўплаб мусулмон мамлакатлари илм-фан ва технологиялар соҳасида ривожланган давлатлардан сезиларли даражада орқада қолаётганини тан олиш лозим... 2015 йилда дунё бўйича патент олиш борасидаги мурожаатларда бу мамлакатларнинг ҳиссаси атиги бирундан тўққиз фоизни ташкил этган. Ташкилотга аъзо давлатларда 2016 йилда эълон қилинган илмий мақолаларнинг қарийб 80 фоизи 7 та давлат ҳиссасига тўғри келган. Аксарият мусулмон мамлакатлари табиий захираларга бой, катта молиявий салоҳиятга эга бўлса-да, иқтисодийта инновацион ғоя ва технологияларни жорий этишда фаоллик кўрсата олмаётганини афсус билан қайд этиш лозим. Ўйлайманки, фундаментал фан соҳаларини ривожлантириш, даврнинг долзарб муаммоларига илмий ечимлар топишга қаратилган ҳамкорликни йўлга қўйиш испом оламининг илмий-технологик салоҳиятини ошириш учун мустаҳкам замин яратеди”.

Бундан кўришиб турибдики, ҳар бир мамлакат юқори иқтисодий ва ижтимоий даражага ҳамда жамиятнинг ҳаёт фаровонлигини ошириш учун

интеллектуал мулк муҳофазасининг кучли ҳуқуқий тизимига эга бўлиши, муаллифлар давлат томонидан қўллаб-қувватланиши лозим. Интеллектуал мулк ҳуқуқий жиҳатдан кучли муҳофазасига олинса, ихтирочилар ва ижодкорлар яратган объектлардан фойдаланишда муносиб ҳақ тўланса, соҳага инвестициялар жалб қилинса шу орқали иқтисодий тараққиёт этиришга эришиш мумкин.

Соҳага оид миллий қонунчиликни кодификация қилиш мақсадида Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларининг ўзаро халқаро алоқалари яхши самара бермоқда. Айнан шу мақсадда 2010 йил 7 апрелда МДҲга аъзо давлатлар Парламентлари Оссамблеясининг ўттиз тўртинчи ялпи мажлисида МДҲга аъзо давлатлар учун “Интеллектуал мулк модел кодекси” қабул қилинди. Мазкур кодекс 13 боб, 107 моддадан иборат бўлиб, унда интеллектуал мулк объектларининг мақоми ва ҳуқуқий муҳофазаси бир тизимда жойлаштирилган. Ҳар бир бобда объектларнинг умумий муҳофазаси йўналишлари алоҳида кўрсатилган.



ТАКЛИФ ВА ТАЛҚИН

Фуқаролик кодекси такомиллаштирилаётган даврда республикамызда Фуқаролик кодексдаги интеллектуал мулк ҳуқуқи билан боғлиқ нормалар ва соҳага оид ундан ортиқ қонунлар ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни жамлаб, алоҳида Интеллектуал мулк кодексига бириктириш вақти келди. Бу кодексда соҳага оид халқаро-ҳуқуқий нормаларнинг ҳам

бириши мумкин. Интеллектуал мулкка оид халқаро нормаларни янги кодексга имплементация қилиш, унификация қилиш ва уйғунлаштириш (гармонизация) орқали синдирилади. Интеллектуал мулк ҳуқуқига оид халқаро ҳуқуқ нормаларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш зарурати — халқаро ҳуқуқ нормаларининг миллий қонунчилик нормаларидан устунлигини таъминлаш, халқаро ҳуқуқ нормаларини суд амалиётида қўллаш механизмларини жорий қилишда катта аҳамият касб этади.

Интеллектуал мулк ҳуқуқи соҳасидаги халқаро шартномаларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш орқали миллий қонунчилик ва халқаро шартнома қондалари бир хиллашда ҳамда чет эл элменти билан мураккаблашган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларида коллизия (тўқнаш) масалалар ўз ечимини топади.

Хулоса қилиб айтганда, интеллектуал мулк объектлари бугунги кунда фуқаролик муомаласига энг кўп киритиладиган, катта даромад манбаи бўлган, бутун иқтисодийни ривожлантириш ва ишлаб чиқариш корхоналарини янги технологиялар кўринишида жиҳозлашга кўмаклашадиган, инсон тафаккурини ўзгартириш ва янги билимлар тарқатишга асосланганлиги билан ажралиб туради. Шунга қўра, интеллектуал мулк объектлари ва уларнинг яратувчилари бўлган муаллифлар ҳуқуқларини янада Интеллектуал мулк кодексига орқали муҳофазаси қилишга ўтишни даврнинг ўзи талаб этмоқда.



Жиноят нега жазосиз қолди?



ЖИНОЯТ ишлари бўйича Томди туман судининг очик суд мажлисида фуқаровий даъвогарлар У.Умиров ва А.Шотбасовлар иштирокида Жиноят кодексининг 167-моддаси, 1-қисми билан айбланаётган Айсулув Алдамуратованинг (исм-шарифлар ўзгартirilган) жиноят иши кўриб чиқилди.

А.Алдамуратова эндигина йигирма беш ёшдан ошган. Ўрта-махсус маълумотга эга бўлса-да, "Агробанк" Томди туман филиалида бош менежер бўлиб ишлаб келганига шукр қилмаган бу нафс бандаси жиноятга қўл ураётганда, ҳатто ёш боласининг тақдирини ҳам ўйлаб кўрмагани аниқ. Аммо А.Алдамуратова жиноий жазодан озод қилинди, ҳатто айбдорлиги ҳам бекор бўлди, яъни жиноят иши айблилиқ ҳақидаги масала ҳал қилинмасдан тугатилди.

Хўш, бу жиноят нега жазосиз қолди, деган ҳақиқ савол тугилиши табиий?

Тўғри, ҳар қандай жиноятга жазо муқаррар. Нега ёш бўлишига қарамадан бировнинг ҳақидан ҳазар

қилмайдиган даражага етган "қахрамонимиз" банк филиалининг пластик карталар бўлими бош менежери сифатида ишлаб туриб, унга ишониб топширилган ва ўзининг ихтиёрида бўлган, фуқаролар Уллубай Умировнинг алмаштириш учун берилган пластик картасидан 25 миллион 617 минг 415 сўм ва Алибай Шотбасовнинг пластик картасидан 10 миллион 539 минг 350 сўм пулларни растрата қилиш йўли билан талон-торож қилиб, ушбу пулларни банк миқозларининг қарздорлигини тўлаш учун ишлатиб юбориб, фуқаро У.Умировга 25 миллион 617 минг 415 сўм ва А.Шотбасовга 10 миллион 539 минг 350 сўм моддий зарар етказди-ю, нега ўз вазифасига ҳамда банк миқозларига хиёнат қилди-ю, қандай қилиб жазосиз қолади?

Очқўзлик суднинг қора курсисига ўтиришга мажбур қилган, қилмишидан пушаймон А.Алдамуратова суд мажлисига чундан моддий ва маънавий зарар кўрган У.Умиров ва А.Шотбасовлардан кеңирим сўраб, улар билан ўзаро ярашишга, даъво

гарларга етказилган зарарни тўлиқ қоплашга улгурди.

Кечиримли халқимиз бор. Шундан сўнг даъвогарлар У.Умиров ва А.Шотбасовлар судга ариза билан муурожаат қилиб, судланувчи А.Алдамуратовага нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, улар ўзаро ярашгани ва бу тўғрисидаги аризани ўз хоҳиши билан ёзгани, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган барча ҳуқуқий оқибатларни тушунганлиги ҳақида кўрсатма бериб, жиноят ишини ярашув асосида ҳаракатдан тугатишни сўради.

Жиноят иши бўйича судланувчи А.Алдамуратованинг ўз айбига иқроғлиги, фуқаровий даъвогарлар билан ихтиёрий ярашгани, даъвогарларнинг унга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, жиноят натижасида етказилган зарарни тўлиқ бартараф этгани, давлат манфаатларига моддий зарар етказилмаганлиги унга шундай ажрим чиқаришга асос бўлди.

Судларимиз адолатли ва одил. Судланувчи А.Алдамуратовага нисбатан бўлган жиноят ишини, Жиноят кодексининг 66¹-моддаси асосида тугатишга монелик қиладиган ҳолатлар мавжуд эмас, деб ҳисоблаб, ярашганлик тўғрисидаги аризаларни қабул қилишни ва уни жиноий жавобгарликдан озод қилиб, жиноят ишини иш юритувидан тугатишни лозим топди.

Бу ажрим ва бу ярашув, албатта, қонуларимизнинг инсонпарварлиги, халқимизнинг кечиримлигидан далолатдир. Аммо ўз ҳамюртларига миллион-миллион зарар ва бехисоб озор етказган, уларнинг ишончини суиистеъмол қилган Айсулув Алдамуратова бу инсонийлик тамойилларидан тўғри хулоса чиқарармикан?

Дилобар ЭРГАШЕВА,
жиноят ишлари бўйича Томди
туман суди раиси,
Маруза ҲОСИЛОВА,
"Инсон ва қонун" мухбири



МАЪЛУМКИ, жамият тараққиётига раҳна солувчи энг хавфли иллат бу — коррупциядир. Одатда, коррупция деганда биз кўпроқ пора олиш жиноятини тушунамиз. Аммо пора бериш, пора олиш-беришда воситачилик қилиш ёки пора беришга далолат этиш каби ҳаракатлар ҳам худди пора олиш сингари жиноят саналиб, қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади. Буни эса кимдир тушунади, бошқа биров йўқ. Айрим тушунган кимсалар бўлса айни ҳақиқатни тан олишни исташмайди.

Марғилон шаҳрида яшовчи Ҳожиакбар Тошматов (исм-шарифлар ўзгартirilган) ҳам ана шундай қилмиш учун суднинг қора курсисига ўтирди.

Тергов ва суд жараёнида аён бўлишича, Фарғона вилоят ИИБ йўл ҳаракат хавфсизлиги бошқармаси 2-сарфарбарлик гуруҳи инспектори Э.Бегматов 2020 йил 27 январь куни Фарғона шаҳар Аэропорт кўчасида хизмат фаолиятини олиб бораётганда, Шунда инспектор "BA3 2106" русумли автомашинани тўхтатиб, ўзини таништилади. Сўнгра машинани бошқариб келаётган Ҳ.Тошматовдан ҳайдовчилик гувоҳномаси ва тегишли ҳужжатларини тақдим этишни сўрайди.

— Машинани акам учун янги сотиб олгандик. Лекин пулини тўлиқ тўламаганимиз сабабли ҳали унинг номига расмийлаштирилганимиз йўқ, — дея ер чизиб қолади у.

Албатта, Ҳожиакбар билан бирга кетаётган Алиакбар ҳам укасининг гапини тасдиқлайди. Э.Бегматов бу хусусда маъмурий баённома расмийлаштиради. Кейин машинани 64-сонли жарима майдончасига киритиб қўяди. Бироқ Ҳ.Тошматов ҳуқуқбузарлигини тан олиш ўрнига инспекторга 200.000 сўм миқдоридан пора таклиф қилади. Бунга жавобан эса Э.Бегматов пора олмаслигини, бундай қилмиш учун жавобгарлик борлигини айтиб, ҳайдовчини огоҳлантиради. Аммо "қахрамон"имиз қани буни тушунса ёки кўнса. Аксинча, кейинги галда пора миқдорини 500.000 сўмга кўтаради. Шунинг учун Э.Бегматов Фарғона вилоят ИИБ бошлиғи номига билдирги билан муурожаат қилади. Пировардида Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ва Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЎХБ Фарғона вилоят бўлими ходимлари ҳамкорлигида тезкор тадбир ўтказилиб, Ҳожиакбар Тошматов ИПХ инспекторига 500.000 сўм пора бераётган пайтида ушланади.

Албатта, шундан сўнг Ҳ.Тошматовга нисбатан Жиноят кодексининг 211-моддаси билан жиноят иши кўзга тилади. Жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар суди эса унинг қилмишига яраша қонуний жазо тайинлади.

Авазбек ИНАМОВ,
жиноят ишлари бўйича
Фарғона шаҳар суди судьяси,
Хуршид СУЛТОНОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

КАСАЛИНИ ЯШИРСАНГ...

"АСР вабоси" номини олган гиёҳвандлик инсоннинг осуда ҳаётига раҳна солиб, онгини ўзига бўйсундирувчи захри қотил эканлигини бугун барчамиз яхши англаймиз. Лекин Шоқир Пўлатовга (исм-шарифлар ўзгартirilган) ўхшаган айрим кимсалар борки бу иллатнинг оқибати яхшилик билан тугамаслигини билса-да, шу йўл сари от солаверад.

Воқеа бундай бўлган эди. Ш.Пўлатов хилват жойларда гиёҳванд модда истеъмол қилар ва бунга тобора "кўнгил" қўйиб борарди. Куз ойларининг бирида Ш.Пўлатов ўз хонадонига наша ўсимлигини олиб кеиб жойлайди. Шу тариқа захри қотил қиш бўйи Шоқирнинг уйда сақланди. Ш.Пўлатовнинг сўнги вақтлардаги ҳаракатлари ҳуқуқчи муҳофаза қилувчи орган ходимлари назарига тушади ва унинг уйда тинтув-тергов ҳаракати ўтказилади. Тинтув жараёнида Ш.Пўлатовнинг меҳмонхонасига яширган гиёҳванд моддаси ошкор бўлади. Бундай вазиятнинг якуни нима билан тугаши барчамизга яхши аён, жумладан, Ш.Пўлатовга ҳам. Мазкур жиноят иши Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туман судида кўрилди. Унга Жиноят кодекси 276-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганлиқда айбланиб, суд ҳукм ўқилди.

Дарвоқе, қахрамонимизнинг ижтимоий ва жисмоний аҳволи ҳам қониқарли эмас. Тақдир синови туфайли Ш.Пўлатов II-гуруҳ ногирони, оилада ёлғиз боқувчи ҳисобланади. Нима бўлганда ҳам Ш.Пўлатов ҳаётида содир бўлаётган ноҳушлиқларнинг асл сабаби нимада эканлигидан тўғри хулоса чиқарса бас.

Гулҳаё НУРМЕТОВА,
"Инсон ва қонун" мухбири

Навий вилоят адлия бошқармаси жамоаси бошқарма масъул ходими Баҳодир Равшановга отаси **Карим РАВШАНОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.



ИНСОН ҚОНУН

2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган

ISSN 2010-7877

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

www.minjust.uz

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Тошқулов Албар Жўрабоевич
 Рабёев Шерзод Миржалилович
 Тожиёв Фурақат Шомуродович
 Исқандаров Ёрбек Нурбекович
 Эргашева Дилфуза Рустамовна

Тахририятга келган кўлемли тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Навбатчи
 Гулҳаё Нурметова
Саҳифаловчи-дизайнер
 Жасур Тожиёев

"ИНСОН ВА ҚОНУН" газетаси тахририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-3 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида "Ўзбекистон" нашриёт матбаа ижодий уюмда чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Тиражи — 5820
 Бюролма — V-4224

Нашр индекси: 137

Топшириш вақти — 19:00
 Топширилди — 20:00

МАНЗИЛИМИЗ:

100 115, Тошкент ш. Чилонзор кўчаси-29.

Факс: (0371) 277-02-97

Обуна бўлими: 277-02-57

Баҳоси келишилган нарҳда

1 2 3 4 5

Ўлим ҳар бошда бор, дейдилар. Аммо яхшиларни барибир йўқотгимиз келмайди. Давралардан, жамиятдан, осойиш топган оиласидан кетганини ҳазм этолмаймиз. Кўз ўнгимизга мунгайган фарзанди, эзилган яқинлари келаверида. "Ҳали қиладиган ишлари бор эди... у жуда яхши эди... ҳали жуда ёш эди... у яхши инсон эди...". Ҳамкасбларининг тилида ва дилида фақат шу сўзлар айланди. Бошқа ҳеч нима дея олишмади. Елғиз жонқуяри бувисининг кўзларига дард тўлди, тобад энди шу дард билан яшашга маҳкум. Уни фақат бир юпанч ва масъулият йиқилишига қўймади: Динарадан қолган биргина фарзандни суюши керак у ҳали...

Яхши ном қолдириш, яхши амаллар қилишга улгуриш учун асида узоқ йиллар ҳам шарт эмас экан. "Қисқа умрида у кўп хайрли ишларни улгурди". Бу жумланинг ростлигига яна бир бор имонимиз камил бўлди. Динара Атажанова 33 ёшигача ўқитувчи, олима, мутахассис ҳуқуқшунос, кафедра мудири ва аллақанча танловлар совриндори эди.

Асакада зёбилар оиласида туғилган Динара Атажанова Тошкент ислом университети талабаси, Тошкент давлат юридик институти магистранти бўлган. Уша пайтларда "Имом ал-Бухорий" давлат стипендиясига лойиқ кўрилди.

2010 йилда меҳнат фаолиятини Тошкент давлат юридик университети "Меҳнат ҳуқуқи" кафедрасида ўқитувчиликдан бошлаб, айна пайтда мазкур кафедранинг мудири сифатида фаолият юритиб келаётган эди.

Шунингдек, бир муддат — 2011 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида доцент вазифасини бажарувчи лавозимида ҳам ишлади.

Уша куни йўқотиш оғригидан бирор нима дейишга қурби етмаган ҳамкасблари бугун хотиралар қийноғидан тўлиб, ёруғ хавллар билан уни ёд этмоқдалар:

Шухратжон ИСМОИЛОВ, "Меҳнат ҳуқуқи" кафедраси доценти:

Ўзбек ҳуқуқшунослигида Динара исми ислом ҳуқуқи ва меҳнат ҳуқуқи соҳасидаги етуқ ҳуқуқшунос олима номи билдирад эди. Бу жудодлика ҳали кўниқолмадик. Аммо бир нарса таъкин береди. У биз учун талабалар учун, ҳуқуқ олами вақиллари учун илмий мерос, жуда яхши тажриба қолдирди. У муносиб яшайди.

Ҳуқуқшунос эди, шу қаторда араб, форс, инглиз тилларини мукаммал ўзлаштирган ҳақиқий полиглот олима эди. 2018 йилда у "Аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахслар меҳнатини ҳуқуқий тартибга солишнинг хусусиятлари" номли докторлик диссертациясини химоя қилди ва мустақиллик йилларида меҳнат ҳуқуқи соҳасида илмий иш қилган дастлабки олима аёллардан бирига айланди. Шу йўсинда меҳнат соҳасида аёлларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш унинг бутун умри мазмунига айланган борди.

2020 йилнинг февралда доцент илмий унвонини олган олима кўлаб ўқув ва илмий асарлар муаллифи ва ҳаммуаллифи бўлди.

Унинг муаллифлигида юриспруденция талабалари учун меҳнат ҳуқуқидан ўқув дарслиқлари ва қўлланмалар чоп этилди. Бир қанча меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини тақомиллаштириш бўйича таклифлар ва тавсиялар берилди.

Айна пайтда олима Меҳнат кодексининг янги тахрири лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича ишчи гуруҳ таркибиде самарали ишлаб келатган эди.

Ҳуқуқшунос олима, жонқуяр устоз ва камтарин инсон Динара Атажанованинг илмий мероси ва ёрқин хотираси қалбимизда ҳамisha сақланиб қолади.

ТОШКЕНТ давлат юридик университети жамоаси яқинда меҳнатқаш, жонқуяр, самимий ва ўта фидойий бир ходимидан айрилди. Уша куни

(28 июнь) ўқитувчилар, профессорлар нима бўлганини тушунишмас, ҳаловатсиз эдилар, тахририятга бўлаётган кўнғироқлардан аламли, ҳазин, бўғиқ овозлар эшитилди: "Меҳнат ҳуқуқи" кафедраси мудири Динара Атажанова 33 ёшида оғир хасталиқдан вафот этди. Шунга... таъзия чоп этсангиз...". Музли, оғир ҳаво тахририят хонасига кўчди...



33 ЁШДА БУ ДУНЁНИ ТАРК ЭТДИ: Ҳуқуқ оламида унинг ҳали қиладиган иши кўп эди

Феруза МУХИТДИНОВА,
профессор:

Уни талабалиқидан танир эдим. Талабалиқ чоғида диний ва дунёвий илмларни эгаллади. Унга "иқтидорли талаба" деб қарар эдик. Ҳақиқатда, Худо юқтирган ёш олима эди у. Жуда ақлли ва камтар қиз эди. Мен "Шарқ уйғониш даври таълимотлари" мавзуси устида илмий иш олиб борганимда, ёнимга келиб, "устоз, Абу Наср Форобий, Ибн Сино илмий меросини Сиз билан бирга ўргансам эди", деганида жуда қувонган эдим.

Кейин қомусий олимларнинг асарларини ва улар ҳақидаги

китобларни олиб ўқиди, у кечаси билан ухламай китоб ўқирди. Баъзан ҳайрон қолардим, у қачон илм ўрганди, қачон оиласига вақт тўлди, қачон илмий ишларини ёзиб битирди-ю, қачон шунча шогирдларига дарс беришга улгурди.

У меҳрибон она, вафодор рафиқа эди. Жонқуяр она, тиришқоқ устоз эди... жонқуяр ходима ва олима эди...

Динара ҳақида биладиганларнинг қай бири билан суҳбатлашмайин, ҳамма унинг тиришқоқлиги, меҳнатсеварлиги, ҳалоллигини гапирди. Унинг меҳнат қонунчилиги, фуқароларнинг меҳнат муносабатлари ва ҳуқуқий ҳимояси йўлида ҳали орзулари талайгина эди. Қисқагина ҳаёт йўлида кўлаб ўқув, ўқув-услубий қўлланмаларни

яратишга улгурди. Илмий ва оммабоп мақолалар чоп этирди.

Яқиндагина телеграммимга ёзган эди: "Устоз, жуда фаолсиз. Сиздек бўлишни истайман". "Сиз ҳам фаолсиз, Сиз ҳали кўп ишлар ёзасиз, Сизга ишонман", дедим. Ҳеч ҳаёлимга келмагани, шундай иқтидорли ёш олима ораимизда бўлмаслигини тан олиш оғир... Унинг учун дуодамиз.

Омонулла МУҲАММАДЖОНОВ,
профессор:

Динара ҳақида жуда кўп гапиргим келади: унинг илмга чанқоқлиги, ёш бўлса-да, талабалар учун жуда яхши устоз бўлганлиги ва бир қанча шогирд етиштирганлиги, илмда юқори марраларни эгаллагани... Буларнинг барчасига эришиш учун у ўз олдига катта мақсадларни қўйган. Қачон бўлмасин, уни ҳар доим катта режалар, юксак мақсадлар қўршовида кўрганман.

Ҳаммада ҳам учрайвермай диган шижоат эди унда. Унинг ютуқлари нихоятда кўп эди, буни юқориде санаб ўтишди. Мен эса яқинда биз аввал билмаган бир танлов ғолибаси бўлгани ҳақида ўқидим. У Қасаба уюшмалари Федерациясининг "Илмий тадқиқотлар учун грант" онлайн-танлови ғолиби ҳам бўлган экан.

Қанча яшаган бўлмасин, у олдига қўйган мақсадларининг жуда кўпига эришди, деб ўйлайман. Узидаги қуч, шижоатни шогирдларига, талабаларга қолдириб кетди.

У ҳаммага меҳрибон, самимий, ҳушмуомала, ғайратли, нимтабасуми ўзига ярашган оқида аёл ва олима сифатида хотиримиз ва кўз ўнгимизда ҳамон ёрқин кўринишда турибди.

Жамоатчилик назорати Буни қандай тушунамиз?



Довоми. Бошланиши 1-бетдо

Президентимизнинг 2019 йил 27 майдаги "Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида коррупцияга қарши курашишга йўналтирилган жамоатчилик назоратининг амалий чораларини ва қўлланилаётган ҳуқуқий механизмларнинг жорий ҳолатини таҳлил қилиш, коррупцияга қарши курашиш соҳасида жамоатчилик назорати механизмининг самарали қўллашга йўналтирилган қатор мақсадларни кўзловчи чора-тадбирлар ишлаб чиқиши назарда тутилди.

Жамоатчилик назоратининг жамоатчилик эшитиши, жамоатчилик муҳомадаси, жамоатчилик экспертизаси, жамоатчилик мониторингини шаклларида коррупцияга қарши восита сифатида фойдаланиш имкониятлари борлигига қарамай, улар "кенг жамоатчилик"нинг бевоқифа иштироки учун мўлжалланмаган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлиси Мурожаатномасида белгиланган "Жамият — ислохотлар ташаббускори", деган янги гоияи амалда рўйбга чиқариш, аҳолининг давлат ва жамият ишларини бошқаришдаги иштироки кўламини кенгайтириш, БМТнинг Барқарор

ривожланиш мақсадларига эришиш, фуқаролар, жамият ва давлатнинг ўзаро яқин ҳамкорлигини ўрнаттиш, шунингдек, давлат органлари ва муассасалари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш мақсадида жорий йилнинг 16 апрелида "Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Жамоатчилик палатасини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармон қабул қилинди.

Палатанинг асосий йўналишлари этиб давлат, фуқаролар ва фуқаролик жамияти институтларининг мамлакатини янада жадал ва ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатларини бирлаштирувчи замонавий шаклдаги тизимли ҳамда самарали мулоқотини йўлга қўйиш ҳамда уларнинг ижтимоий манфаатлари келишилсини таъминлаш; фуқароларнинг давлат ва жамият ишларидаги иштирокини фаоллаштиришга ҳамда давлат-хусусий шерикликнинг замонавий механизмларини жорий этишга ва норма ижодкорлиги сифатини тўдан яхшилашга кўмаклашиш, жумладан, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётига оид ва жамоатчиликда алоҳида қизиқиш уйғотадиган ўта долзарб масалаларга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини жамоатчилик экспертизасидан ўтказиш,

уларни жамоатчилик билан маспахатлашув ва эшитувлари асосида тақомиллаштиришга кўмаклашиш; фуқаролар, нодавлат ноижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари вақиллари ва блогерларни сўз эркинлиги, фуқароларнинг ахборот олиш ва тарқатиш ҳуқуқини амалга ошириш, ахборот эркинлиги кафолатларини таъминлаш бўйича муҳомадаларга жалб этиш ҳамда мазкур масалаларга оид амалий таклифлар ишлаб чиқиш белгиланди.

"Mening fikrim" — қийнинг фикри?

Олий Мажлис палаталари, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига жамоавий мурожаат қилиш тартиби Олий Мажлис палаталари қўшма қарори билан тасдиқланган "Mening fikrim" веб-портали орқали электрон жамоавий мурожаатлар бериш ва уларни қўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги низо билан тартибга солинмоқда.

Бир томондан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳеч бирида унинг самарадорлигини баҳолашга имкон берадиган аниқ мезонлар белгиланмаган бўлса, бошқа томондан, амалдаги қонун ҳужжатларига реал ўзгаришлар киритилишига олиб келган мурожаатлар сони ёрилган.

"Жамоатчилик аудити" нима?

Мазкур муаммони ҳал қилиш имконини тақдим қилувчи воситалардан бири ривожланган хорижий мамлакатларда "жамоатчилик аудити", деб номланган петицияларни шакллантириш орқали давлат назорати органлари томонидан ўтказиладиган текширишларни режалаштириш жараёнига таъсири учун имконият яратилиши зарур. Хусусан ҳозирги кунга қадар назорат тадбирларини режалаштириш тизимига шахсларнинг мурожаатлари роли ҳам аниқ белгиланмаган. Бир томондан, жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларининг мавжудлиги режалаштирилган назорат объектларини аниқлашга хавфга асосланган ёндашувнинг бир қисми сифатида ҳисобга олиниши, шунингдек, режадан ташқари текширув учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бироқ бошқа томондан, назорат органлари турли сабабларга кўра, шу жумладан, устувор аҳамиятта эга бўлган бошқа объектларнинг мавжудлиги сабабли уни текшириш режаси (режадан ташқари текшириш)га киритишни рад қилиш имкони мавжуд. Жамоатчилик аудитига асосан маълум микдордаги мурожаатлар мавжуд бўлганда, назорат чораларини амалга оширишни рад этиш учун асослар қолмайди.

Давлат органлари, тадбиркорлик субъектлари, назорат қилувчи органлар ва кенг жамоатчиликнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштирувчи, давлат ҳаракатлари соҳасидаги қондабузарликларни аниқлашнинг энг яхши усулларида фойдаланиш имконини берувчи портални электрон харидлари тизими атрофида яратиш ва ривожлантириш бугунги кунда долзарб аҳамиятта касб этади. Мазкур портални яратиш барча аъзоларга шубҳали харидлар устидан шижоат қилиш учун самарали ҳуқуқий воситалардан фойдалана олиш имконини беради.

Баҳоидир ИСМАИЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратураси Академияси
Коррупцияга қарши курашиш илмий-таълим маркази бошлиғи, юридик фанлар доктори